

УзССР Давлат китоб палатаси
0079

Mazharat


معرفت
MARIFAT

1993 йил 31 июль, ШАНБА

№ 52 (6563).



МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН— КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган)

Мутал БУРХОНОВ мусиқаси.

Абдулла ОРИПОВ сўзи.

Moderato, Tempo di marcia.

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.

Масъулаётро ди, тасвир
Келди бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!

Йўлдош, меҳрибон!
Сенга зўр қанот!
Сенга зўр қанот!
Сенга зўр қанот!

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!

Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

— сий то абад ил — шуҳрати жод,
— қилди шаъри абад ил — шуҳрати жод,
— қилди шаъри абад ил — шуҳрати жод,
— қилди шаъри абад ил — шуҳрати жод,

— сий то ки бор жаҳон!
— сий то ки бор жаҳон!
— сий то ки бор жаҳон!
— сий то ки бор жаҳон!

Во-дуйлар
Во-дуйлар
Во-дуйлар
Во-дуйлар

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон.
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон.
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Э М Ў Б О Н

МАКТАБ КУТУБХОНАЧИЛАРИ УЧУН ЯНГИ 1993—94 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ УСЛУБИЙ БИБЛИОГРАФИК ТАВСИЯЛАРИ

Кутубхона ишини такомиллаштириш асосли ва аниқ режа негизда амалга оширилади.

Режа келгусидаги фаолият мuddатини, иш ҳажминини, шакл ва методларини белгилаб олишга имкон беради, меҳнатни ташкил қилишда кўмаклашади, белгиланган тадбирларни сифатли бажариш масъулиятини оширади.

Йиллик план тузиш барча кутубхоначилар учун асосий меҳнат шартидир. Кутубхонанинг йиллик режаси мактаб ўқув-тарбия ишининг ягона режаси негизда тузилади. Бошқача айтганда, у бутун педагогик жамоа олдида турган вазифалар билан чамбарчас боғланган бўлиши керак. Уни ишлаб чиқиш ўқув йилининг охирида, яъни янги ўқув йилидан 2—3 ой олдин бошланиши лозим. Ўқув йилининг бошига келиб режа тузилган ва тасдиқланган бўлиши шарт. Кутубхона режаси бутун мактабнинг иш режаси билан мувофиқлаштирилади. Мактаб кутубхонасининг иш плани икки қисмдан — «Кириш» ва «Асосий қисм»дан иборат бўл-

моғи даркор. Одатда режанинг «Кутубхонанинг ўқув йилидаги бош вазифалари» деб аталган қисми (Кириш) матнида келгуси йилда кутубхона олдида турган умумий вазифалар ифодалаб берилди ва асосий рақамли кўрсаткичлар изоҳланади.

Иккинчи, яъни асосий қисмда кутубхона ишининг мазмуни белгилаб берилди. Бу мазмун унинг ўтказилиш ўрни, вақти ва ҳажмига қараб бир меъёрга тақсимланади. Топшириқлари зарур вақт сарфини аниқлаб берадиган меҳнат нормалари ёрдамида ҳисоблаб чиқилган режа энг асосий режа саналади.

Кутубхонанинг иш тажрибаси шуни исботлаб берадики, мактаб кутубхонаси иш режасининг иккинчи қисми етти бўлимдан иборат бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

1. Кутубхоналарга хизмат кўрсатиш ва адабиётларни тарғиб қилиш.

2. Комплектлаш ва фондларни ҳисобга олиш.

3. Адабиётларга ишлов бериш. Китоб фондини ташкил қилиш. Кутубхона каталоглари.

4. Маълумотнома, библиография ва ахборот иши.

5. Фонд дарсликларини асрашга онд тадбирлар.

6. Ўқитувчилар, ота-оналар билан ишлаш.

7. Мактабнинг умумий ва кутубхонанинг ички ишлари.

Тажрибанинг кўрсатишига, ушбу бўлим бўйича режа тузиш учун асосий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш зарур. Китобхоналар сони кутубхона иш унумдорлигининг муҳим мезонидир. Китобхоналар қанча кўп бўлса, адабиётларни тарғиб қилиш иши шунча яхши йўлга қўйилган, китоб ёрдамида ўқувчилар орасида турли-туман оммавий тадбирлар фаол олиб борилган бўлади.

КИТОБХОНЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Мактаб кутубхонасининг асосий вазифаси — бу барча ўқувчиларни китоб ўқишга жалб қилиш. Ҳар бир кутубхоначи сентябрнинг ўзидаёқ бутун ўқувчилар контингентини жалб қилишга интилади. Бунинг учун 1 сентябрга келиб кутубхона иш бошлашга шай бўлиши керак. Даставвал биринчи ҳафтадаёқ барча синфларга хизмат кўрсатиш учун жадвал тузилади.

Ҳар ўқув йилининг бошида китобхоналар қайта рўйхатдан ўтказилади.

Кейинги ҳафтасида кутубхоначи синфма-синф рўйхат асосида қайси ўқувчи кутубхонага ёзилмаганлигини, бунинг сабабларини аниқлайди. Кутубхонага илк бор аъзо бўлган китобхонага алоҳида эътибор бериш даркор. Улар билан кутубхонадан фойдаланиш қондалари, китоб тутиш ва бошқа шу каби ишлар юзасидан яқка тартибда суҳбат ўтказиш лозим. Суҳбат чоғида уларнинг китобхонликка қизиқишлари ва эҳтиёжлар маълум бўлади.

Агар мактаб болалар учун бирор махсус китоб фондида эга бошқа кутубхонаси бўлмаган қишлоқ ерида жойлашган бўлса, у ҳолда барча ўқувчиларнинг мактаб кутубхонасига аъзо бўлишларига интилиш зарур.

Болалар турли манбалардан фойдалана оладиган шаҳар мактабларида эса кутубхона олдида болаларнинг 80 фоизини қамраб олиш вазифаси қўйилади.

Ўқувчиларнинг дунёқарабини, қарашлар ва қизиқишларининг барномол системасини шакллантириш, билим доирасини ва ақл-идрокинни кенгайтириш, китобга нисбатан онгли ва ижодий муносабатини ўстириш мақсадида синфдан ташқари ўқиниш раҳбарлик қилишнинг асоси бўлмиш ҳар бир китобхона билан яқка тартибда иш олиб бориш керак. Кутубхоначи ҳар бир китоб-

хон билан алоҳида-алоҳида иш олиб борар экан, уни ҳар томонлама ва чуқурроқ ўрганади, тайёргарлик даражасини, китобга бўлган муносабатини аниқлайди, қизиқишларини тақаллуф ва усталлик билан керакли томонга йўналтириш чораларини белгилайди.

Ўқишга раҳбарлик қилишдаги асосий методик усуллардан бири китобхон билан ўтказиладиган яқка тартибдаги суҳбатдир. Суҳбатнинг уч тури мавжуд: умумлаштирувчи суҳбат, тавсия берувчи суҳбат, ўқилган адабиётлар ҳақида суҳбатлар.

Умумлаштирувчи суҳбат бир йилда 2—3 марта ўтказилади, чунки унинг мақсади муайян, айтарлиқ узоқ вақт ораллигидаги китоб ўқиш характерини аниқлаш, умумлаштириш, режалаштириш. Тавсиявий суҳбатлар тез-тез ўтказиб турилади. Одатда улар бир китоб ёки мавзуга бағишлангани мумкин, уларнинг вазифаси — китобга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уни қандай амалга ошириш, нимага эътиборни жиддийроқ қаратиш кераклиги ҳақида айрим маслаҳатлар бериш. Тавсиявий суҳбатнинг характери китобхоннинг индивидуал хусиятлари, унинг ёши ва бошқаларга боғлиқ.

Ўқилган адабиётлар ҳақида суҳбат ҳам кўп жihatдан тавсиявий суҳбатнинг сифатига боғлиқ. Кутубхоначи китобхондан китобни қабул қила туриб, унинг китобга муносабати қандай эканлигини, китоб мазмунини қанчалик чуқур тушуниб олганлигини аниқлайди. Суҳбат давомида китобнинг охиригача ўқилмагани билдиб олинади.

Китоб билан олиб бориладиган оммавий ишларнинг турли-туман формалари, болаларга матбуот ёрдамида бизнинг мамлакатимиз ва бошқа мамлакатлар ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий во-



қеаларни тушунтириб бориш, ёшларни табиат ҳаёти билан таништириш, уларнинг мактабда олаётган билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш имконини беради.

Китобларни кўргазмали равишда тавсия қилиш формалари, китоб кўргазмалари, плакатлар, альбомлар китобни мактаб ўқувчилар орасида оммавий тарзда тарғиб этишнинг таъсирчан усулларида бири ҳисобланади. Кўргазма китобхоналар гуруҳи ёки айрим китобхоналар қизиқишларини шакллантиришнинг энг яхши воситаси саналади. У болалар олдида кутубхонанинг бутун бойликларини кўрсатиш имконини беради. Ерқин муқовалар, китоб ичидаги расмлар болаларни томоша қилишга, кейин эса ўша китобларни ўқиб чиқишга ундайди. Мактаб кутубхонаси китобхоналарни ижтимоий-сиёсий аҳамиятга

молик катта воқеалар билан ҳам таништириб турадиган жойдир.

Кўргазмалар ташкил қилишда юқорида санаб ўтилган методик талаблардан ташқари, китобхоналар гуруҳининг хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари учун материал тўпланганда катта миқдордаги китобларни кўргазмага қўйишга ҳаракат қилиш керак эмас. Ҳаттоки, ҳар бир синф доирасида ҳам фарқли ёндашув зарур: биринчи синф ўқувчилари учун 4—5 та китоб кўрсатиш етарли. Бу уларнинг ўқиш тезлигига мос тушади, II—III синф ўқувчилари учун эса китоблар сони 10—12 тага етади. Чунки улар тезроқ ўқийдилар, қизиқишлари эса бир мунча ранг-барангроқдир. Ўсмирлар учун эса 25 номдаги китобни кўргазма орқали намойиш этиш мумкин.

Мавжуд материалларнинг маълум системада, изчилликда жойлаштирилиши, шу

билан бирга рангдор безатилиши кўргазманинг муваффақиятли чиқишига ёрдам беради.

Кўргазма китобхонага обзор-суҳбат ўтказганда самаралироқ таъсир кўрсатади. Чунки бунда кўргазмали тарғибот шакли бошқа оммавий тадбирлар билан тўлдирилади. Обзор китобнинг мазмунини чуқурроқ очиб беришга, мазмуни аниқроқ кўрсатишга, китобхонанинг китоблар орасида турри мўлжал ола билишига ёрдам беради. Кутубхоначи ўқиш учун китоблар тавсия этар, китобхоналар группаси билан ўқилган китоблар мазмуни юзасидан суҳбатлар ўтказар экан, боланинг қайси мавзуга қизиқиши ортиб бораётганлигини кузатади. Ушбу мавзу бўйича ишни давом эттиришга, адабий кечалар, адабий ўйинлар, орзаки журналлар, китобхоналар анжуманларини тайёрлашга ҳам кўмаклашади.

Китобхонлик эҳтиёжларини қондириш ишлари ташкил этилар экан, китобхоналарга хос қўйидаги каби етакчи эҳтиёжларни ҳисобга олиш зарур:

— ўқитувчининг амалий фаолияти ҳамда касби бўйича ўз устида ишлаши билан боғлиқ адабиётларга бўлган эҳтиёжлар;

— ёшлар тарбиячиси бўлиш ўқитувчи учун зарур сиёсий ва умумий маданиятни юксалтириш, илмий-техникавий билим даражасини кенгайтириш билан боғлиқ эҳтиёжлар;

— ўқитувчининг ижодкорликка интилувчи шахсиятини шакллантириш, уни ҳар томонлама камол топтириш билан боғлиқ эҳтиёжлар.

Ҳозирги замон шароитида педагогларга хизмат кўрсатиш иши қўйидаги йўллар бўйича амалга оширилмоғи лозим:

— педагогларнинг ахборот олиш эҳтиёжлари, китобга бўлган умумий таълим билан боғлиқ қизиқишларини қондириш учун фондларни яна ҳам тўлиқроқ ва ўз вақтида комплекташ;

— фондларни мақбул даражада ёритиш ва тарғиб этиш;

(Давоми 3-бетда.)



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

"ЎЗБЕКИСТОН"

(Боши 2-бетда).

— педагогларнинг ўқув ва тарбия ишига кўмаклашиш учун кутубхона-библиография ҳамда ахборот фаолиятининг сифати ва самардорлигини яхшилаш;

— шу мақсадда кутубхоналараро абонентдан кенгроқ фойдаланиш;

— кутубхона-библиографияга доир билимларни мақсад сари йўналтирган ҳолда тарғиб қилиш.

Ўқитувчилар билан мақсад сари йўналтириб иш олиб бориш, китобхонлик эҳтиёжларини яхшироқ ўрганиш учун уларга хизмат кўрсатишни гуруҳлар бўйича фарқлаб ташкил этиш лозим. Булар бошланғич синф ўқитувчилари, ўқитувчилар — маълум ўқув фанлари муаллимлари, синф раҳбарлари, ўқитувчилар — ёш мутахассислар, ўқитувчилар — сиртдан ўқийдиганлар, илмий иш билан шуғулланувчи ўқитувчилар. Кутубхоначи ҳар бир хизмат кўрсатиладиган гуруҳ хусусиятларини билмоғи ва ҳисобга олмағи даркор. Чунинчи, олгий ўқув юртлирида сиртдан таълим олаётган ўқитувчилар билан ишлашда уларнинг имтиҳонларга тайёргарлик кўришлари, ёзма иш ва курс ишларини бажаришлари учун адабиётлар, библиографик манбалар танлашларида кўмаклашишга алоҳида диққат қилиш, бундай ўқитувчилар билан китоб устида ишлаш, библиографиядан фойдалана билиш ва бошқалар ҳақида яқка тартибда суҳбатлар ўтказиш тавсия этилади.

Ёш ўқитувчиларга алоҳида эътибор берилди. Энди иш бошлаётган ўқитувчилар билан китоб ҳақидаги ахборот манбалари, маълумотнома нашрлари тўғрисида, кутубхона педагогик фаолиятда ва ўз устида ишлашда қандай ёрдам кўрсатиши мумкинлиги хусусида суҳбатлар ўтказиш лозим. Улар учун доимий ҳаракатдаги «Ёш ўқитувчига ёрдам» стендини барпо этиш тавсия қилинади. Бу ерда методик ишланмалар, рисоалар, мақолалар, В. А. Сухомлинскийнинг «Болаларга жоним фидо», М. Маҳмудовнинг «Мактабда муаммоли таълимни уюштириш» («Организация проблемного обучения в школе»), В. Чернокозовнинг «Ўқитувчи одоб-ахлоқи» («Этика учителя») ва бошқа китоблар ҳавола этилиши мумкин. «Сиз учун — ёш ўқитувчи» деган умумий номдаги кўргазмалар туркуми қизиқарлидир. Бу ерда «Педагог-ижодий касб», «Биз кутаётган ўқитувчи», «Халқ педагогикасининг доно панд-насиҳатлари», «Ҳозирги замон дарси», «Педагогик мулоқот маданияти» каби адабиётлар кўргазмаси тавсия қилиниши мумкин.

Мактаб кутубхонасида ўқитувчига ёрдам учун педагогига ва халқ таълимига

КИТОБХОНЛАР БИЛАН ИШЛАШ

доир рўзнома ва ойнома мақолаларининг системали картотекаси уюштирилмоғи даркор. Картотеканинг тузилиши ББКга (Болалар ва мактаб кутубхоналари учун жадваллар) асосланган бўлиши керак. Шунингдек, қуйидаги каби оператив, мавзувий картотекалар юритиш тавсия этилади: «Мамлакатимиздаги илғор педагогик иш тажрибалари», «Бир йил олдин» (болаларни олти ёшдан ўқитишга оид материаллар) ва бошқалар.

Мактаб кутубхоначилари ўқитувчиларга хизмат кўрсатиш чоғида ўлкашунослик мавзуларини ҳам кўзда тутмоғи зарур. Чунки ўқитувчи айрим ўқув предметларини ўқитиш, тарбиявий ишларни юритиш учун ўлкашуносликка доир материаллар асқотади. Ушбу муаммома кутубхоначиларнинг ўқитувчилар билан олиб борадиган барча йўналишдаги ишларида (фондларни комплекшлаш, ахборот-библиография ишлари, оммавий тадбирларни ўтказиш) ўз ифодасини топиши керак.

Муаллимлар билан ишлашда ахборот хизмати кўрсатиш кутубхоначиларнинг диққат марказида бўлиши лозим. У тезкорлик, мақсад сари йўналганлик талабларига жавоб бермоғи ва ахборот-библиография нашрларига биноан ўтказилмоғи зарур.

Мактаб кутубхоначисининг иш тажрибаси шунга ишонч ҳосил қиладики, кутубхоначи ўз олдига қўйилган вазифаларни фақат ўқитувчи билан ҳамкорликдагина муваффақиятли равишда бажара олади. Барча усуллар билан ўқитувчиларнинг диққат-эътиборини кутубхона ишига жалб қилиш, уларни иш режаси билан таништириш, олдинда турган тадбирлардан хабардор қилиб бориш зарур. Ана шу мақсадда ўқув йилининг бошида кутубхоначи ҳамма ўқитувчиларни ўз ҳузурига уларни ўқув фанларига оид бор адабиётлар билан таништириш учун таклиф қилади, доимий равишда ўқитувчиларни ва синф раҳбарларини янги китоблар билан таништириб туради ҳамда бутун педагогик жамоа учун янги адабиётлар обзорларини ўтказиши.


Ўқув йилининг бошида фанлар бўйича янги китобларнинг рўйхатини айрим-айрим тузиш ва уларни тегишли ўқитувчиларга топ-

шириш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳар бир ўқитувчи программани ўрганаётиб, қайси синф ўқувчисига қайси китобни тавсия қилиш мумкинлигини рўйхатда белгилайди. Бу ишни бошқа шаклда олиб бориш ҳам мумкин. Ўқитувчилар ўқув йилининг охирида программа материаллари юзасидан қилинган ишларни таҳлил қилиб, энг муҳим бўлимларни белгилайдилар, кутубхоначи кўрсатилган мавзуларга доир китобларни танлайди, зарур бўлса, етишмаган адабиётларни сотиб олади. Келгуси йили мавзунини ўрганиш бошланганда, кутубхоначи ана шу мавзунини ўрганиш учун мўлжалланган адабиётлар рўйхати туздирди.

Кутубхоначи болалар билан ҳаммаша мулоқотда бўлиб, уларнинг китобхонлик қизиқишларини ўрганиб, баъзан ўқув фани ўқитувчисига қараганда уларнинг моийликларини тезроқ аниқлай олади. У болаларга фойдали маслаҳатлар бериши, зарур ёрдам кўрсатиши мумкин. Кутубхоначисининг ўқитувчилар ва синф раҳбарлари билан яқин алоқада бўлиши барча тадбирларни ўтказишда, мактаб кутубхона ишининг турли жараёнларида сақланиб туради. Синф раҳбарлари ва ўқитувчилар кутубхонанинг оммавий ишидан четда қола олмайдилар. Китоб бўйича жамоа суҳбати, унинг муҳокамаси, китобхонлар конференцияси, тематик кеча-да ўтказилдики, бундан қатъий назар, ҳамма вақт педагогик жамоа аъзолари кутубхоначига ёрдамга келади.

Кутубхона иши мактабнинг таълим-тарбия вазифаларига бўйсундирилади. Кутубхоначи ўқитувчиларга синфдан ташқари ўқишни ташкил қилишда, суҳбатлар, синфдан ташқари ишлар ва тўғарак машғулотларини ўтказиш учун материал тайёрлашда кўмаклашади. У ўқув йили давомида нишонланадиган барча тадбирлар, юбилей саналарига оид материаллар ҳозирлайди. Синф раҳбарлари бу материаллардан кенг фойдаланадилар.

Мактаб кутубхоначисига ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро ёрдам шакллари турлича бўлиши мумкин. Ўқитувчиларнинг фаоллиги кутубхоначисининг ишчанлигига ва



фаоллигига боғлиқ. Чунки болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилиш ҳар бир ўқитувчи олдида турган вазифанинг бир қисмидир, мактаб кутубхоначисига учун эса — асосий вазифа, барча ишлари мазмунидир.

Библиографик иш ҳар қандай кутубхона фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, библиографик маълумотномалар тайёрлаш ва уни китобхонага етказиш жараёнлари йиғиндисини ифода этади. Шу билан бирга унинг асосий вазифаси кутубхона фондидаги ўқув хунар-ишлаб чиқариш фаолиятига, мустақил билим олиш ва ёш авлоднинг гармоник тарбияланишига оид матбуот асарларидан ўз вақтида, тўлиқ ва ҳар томонлама фойдаланишдан иборатдир.

Маълумотнома-библиография хизмати кўрсатиш китобхонлардан тушган сўровларни адабиётлар ва библиографик манбалар юзасидан, воқеа, фактлар, одамлар, ҳодисалар ва ҳоказолар ҳақида хилма-хил маълумотномалар бериш орқали қондиришдан иборат. Бунда библиографик картотекалар ва алоҳида ажратиб қўйилган маълумотнома фонди муҳим аҳамиятга эга.

Систематик каталогга қўшимча равишда китоблар тавсия қилиш мақсадида тематик библиографик картотекалар тузилади. Картотекаларга олинган материаллар сарасига маълум мавзуга оид рўзнома ва журнал мақолалари, шу-

нингдек, турли тўпламлардан олинган мақолалар ва бошқалар кирди.

Маълумотнома фонди, мактаб кутубхонаси ҳақидаги низомга кўра, кутубхонанинг асосий қисмидан ажратилган бўлиши керак. Бу фондга луғатлар, маълумотномалар, энциклопедиялар, йўл кўрсаткичлар ва бошқалар кириши лозим.

Ахборот-библиография хизмати китобхонлар сўраб келган нарсаларни тартибга солиш ва доимий ҳаракатдаги илтимосларини қондиришга қаратилган. Бу ишнинг мақсади — китобхонларни: ўқитувчи ва ўқувчиларни янги келган адабиётлардан, шунингдек, айрим китобхонлар қатори, жамоаларни, гуруҳларни ҳам қизиқтирадиган ва уларга педагогик, ўқув ёки амалий фаолиятда зарур бўладиган энг долзарб кўп тармоқли ва комплекс муаммоларга доир мавжуд адабиётлардан хабардор этиш.

Болаларга синфдан ташқари ўқишга оид тавсиянома адабиётлар рўйхатини уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, яъни синфма-синф қилиб тузиш маслаҳат берилди. Бундан ташқари, мактаб кутубхоначисига учун кўрсаткичлар ёки турли долзарб мавзуга доир адабиётлар рўйхатлари зарур.

Агар кўрсаткичлар айна шу мавзудаги кўргазмани тўлдириш учун хизмат қилса, улар катта наф келтириши мумкин. Мактаб кутубхоначисига ўқитувчига ўқув тарбия жараёнида ёрдам бера бориб, янги келган адабиётларга библиографик обзорлар тайёрлашни, шунингдек, бирор мавзуга оид зарур материаллар мажмуасини ҳозирлаш даркор. Турли шакл ёки ижродаги адабиётлар мактаб кутубхонасида сақланиши лозим. Китобшунослик ва кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш библиография ишининг муҳим йўналиши ҳисобланади. У суҳбатлар, обзорлар, консултатциялар, махсус дарслар ва семинарлар тайёрлаш ва ўтказишни, библиографик нашрлар, маълумотномалар, каталог ва картотекалардан фойдаланиш қондаларини тушунтириб берувчи методик плакатлар ва кўргазмаларни ишлаб чиқиш, жиҳозлашни ўз ичига оладиган тадбирлар комплексини ифода этади. Бу ишларнинг мақсади ҳар бир китобхонага керакли маълумотни тез қидириб топиш ҳамда китоб ва даврий матбуотдан ҳар томонлама кенг фойдаланишни ўргатишдан иборатдир.

(Давоми 4-бетда).



МАЪЛУМОТНОМА — БИБЛИОГРАФИЯ ИШЛАРИНИНГ ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН ТУРЛАРИ:



1. Синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатларини тузиш (синфлар бўйича).

2. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун янги адабиётларнинг библиографик обзорларини ўтказиш.

3. Бирор мавзуга доир адабиётларни ажратиш.

4. Ўқувчилар орасида кутубхона-библиографияга доир билимларни тарғиб қилиш.

5. Суҳбатлар, консультациялар, махсус библиография дарслари.

6. Картотекалар юритиш (тулғазилган ва жойлаштирилган карточкалар сони).

Мактаб кутубхонасининг иш хусусиятларидан бири унинг ота-оналар билан яқин алоқасидир. Мамлакатимизда оилада бола тарбиясига катта аҳамият берилади, бинобарин, мактаб кутубхона-

чиси болаларни тарбиялаш ишида ота-оналарга катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

Ана шу мақсадда турли ишлар бажариш: ота-оналарни кутубхона билан таништириш, уларнинг эътиборини фарзандларнинг китоб ўқишига, болалар ва ўсмирлар мутолааси устидан раҳбарлик қилишда иштирок этишга жалб қилиш даркор. Ота-оналар билан ишни ўқув йилнинг бошидаёқ яхши йўлга қўйиш лозим. Дастлабки ота-оналар мажлисидаёқ энг яхши болалар ва ўсмирлар адабиёти, тарбия масалаларига оид методик адабиётлар кўргазмасини ташкил қилиш, ана шу адабиётлар таҳлили билан сўзга чиқиш, унинг тарбиявий аҳамиятини очиб бериш, болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилишда онларнинг ролини таъкидлаш:

Ўқиш маданиятини шакллантириш йўллари ҳақида сўзлаб бериш керак.

Йил давомида ота-оналар билан фарзандларнинг ўқиши ҳақида, болалар, ўсмирлар, ёшларнинг китоб мутолаасида, ранг-баранг қизиқишларини шакллантириш ва қондиришда кўмакдош

китоблар тўғрисида, кулгили ва қайгули, саргузашт ва фантастик, эртак ва шеърлий китоблар ҳақида, китоб ўқишга раҳбарлик қилишда библиографиядан кенг фойдаланиш хусусида, уй кутубхоналари ҳақида жамоа ҳамда яқин тартибда суҳбатлар ўтказилади. Ота-она-

лар билан уюштириладиган суҳбатларда синфдан ташқари ўқиш билан чекланибгина қолмаслик керак. Чунки ҳозирги вақтда фондга кирувчи дарсликларнинг сақланиш масаласига катта эътибор берилмоқда («Фонд дарсликларини сақлаш» бўлимига қаранг).

МАКТАБ КУТУБХОНАЧИЛАРИ УЧУН 1993—1994 ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ БИБЛИОГРАФИК-УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАРИ 1993—94 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН МУҲИМ ВА УНИТИЛМАС САНАЛАР ТАҚВИМИ

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни, умумхалқ байрами.

1 сентябрь — Билимлар куни.

1 сентябрь — Бутун Жаҳон тинчлик куни.

1 сентябрь — Ўзбек шоираси Эътибор Охунованин 60 йиллиги.

4 сентябрь — Қомусий олим Абу Райҳон Бериуний таваллудининг 1020 йиллиги (973—1048).

8 сентябрь — Халқаро билимлар тарқатиш куни.

9 сентябрь — рус ёзувчиси Л. Н. Толстой таваллудининг (1828—1910) 165 йиллиги.

10 сентябрь — Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий таваллудининг (1918—1988) 75 йиллиги.

3 октябрь — Ўқитувчилар куни.

6 октябрь — Ўзбек ёзувчиси ва моҳир таржимони Мирзакалон Исмоилий таваллудининг 85 йиллиги (1908—1986).

7—13 октябрь — Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент конференциясининг (1958) 35 йиллиги куни.

27 октябрь — Ўзбек шоири Рауф Парфи таваллудининг 50 йиллиги.

4 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Фанлар (Марказий Осие) Академиясининг (1943) 50 йиллиги.

10 ноябрь — Халқаро ёшлар куни.

17 ноябрь — Халқаро талабалар куни.

28 ноябрь — Пахта байрами. (Ойнинг ҳар охири яқинбашида нишонланади).

3 декабрь — Ўзбек шоири Султон Акбарий таваллудининг 70 йиллиги.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни.

10 декабрь — Инсон ҳақ-ҳуқуқлари куни.

12 декабрь — Қирғизистон халқ ёзувчиси ва моҳир таржимон Чингиз Айтматов таваллудининг 85 йиллиги.

17 декабрь — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев таваллудининг 60 йиллиги.

19 декабрь — Ўзбек ёзувчиси, драматург Фарҳод Мусажонов таваллудининг 60 йиллиги.

25 декабрь — Ўзбек шоири Зоҳиджон Обидов таваллудининг 70 йиллиги (1923 йилда туғилган).

Ўзбек шоири Элбек (Машриқ Юнусов) таваллудининг 100 йиллиги (1893—1939).

Ўзбек ёзувчиси, драматурги, адабиётшунос олим, давлат ва жамоат арбоби Сарвар Азимов таваллудининг 70 йиллиги (1923 йилда туғилган).

Ўзбек шоири ва филологи Абдулла Алавий таваллудининг 90 йиллиги. (1903—1931).

Ўзбек шоири, таржимон ва санъатшунос Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов) таваллудининг 100 йиллиги (1893—1937).

Ўзбек тараққишпарвар шоири Аваз Утарининг 110 йиллиги (1884—1919).

Ўзбек педагоги ва ёзувчиси Тошқин (Мўминжон Муҳаммаджонов) таваллудининг 110 йиллиги (1883—1964).

Ўзбек ҳажвчи шоири Завқий (Убайдулло Солиҳ ўғли) таваллудининг 140 йиллиги (1853—1921).

Машҳур шайх ва нақшбандийлик тариқати асосчиси Баҳовуддин Нақшбанди Саид Муҳаммад ибн Жалолиддин таваллудининг 675 йиллиги. (1318—1389).

Форс-тожик шоири, файласуф, математик Умар Хайём таваллудининг 945 йиллиги. (1048—1122).



Тасаввуфнинг машҳур намояндalarидан бири шоир Хўжа Аҳмад Яссавий таваллудининг 900 йиллиги (1093—1166).

Ўзбек шоири, ёзувчиси, тарихчи олим, шоҳ Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги.

23 февраль — Ватан ҳимоячилари куни.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами.

21 март — Наврўз байрами.

22 март — Буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби Улўғбек (Муҳаммад Тарагай) таваллудининг 600 йиллиги (1394—1449).

27 март — Ўзбек адабиётшуноси, педагог-олим Абдурахмон Саъдий таваллудининг (1889—1956) 105 йиллиги.

27 март — Халқаро театр куни.

1 апрель — Рус адиби Н. В. Гоголь таваллудининг 185 йиллиги (1809—1852).

1 апрель — Халқаро кулгу ва қувонч куни.

2 апрель — Халқаро болалар китоби куни.

7 апрель — Халқаро инсон саломатлигини муҳофаза этиш куни.

10 апрель — Буюк ўзбек адиби, журналист, таржимон Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги (1894—1940).

12 апрель — Фазогирлар куни.

18 апрель — Халқаро ёдгорликларни асраш куни.

20 апрель — Ўзбек шоираси ва фольклорчиси Музайяна Алавия таваллудининг (1909) 85 йиллиги.

23 апрель — Инглиз шоири ва драматурги В. Шекспир таваллудининг 430 йиллиги (1564—1616).

24 апрель — Халқаро ёшлар бирдамлиги куни.

9 май — Ғалаба байрами.

11 май — Инглиз адибаси Э. Л. Войнич таваллудининг 130 йиллиги (1864—1960).

20 май — Француз адиби Оноре де Бальзак таваллудининг 195 йиллиги (1799—1850).

Фироз (Муҳаммад Раҳим II) (1844—1910) — Хива хони, бастакор таваллудининг 150 йиллиги.

Абдулла Шоир Нуралӣ ўғли (1874—1857) — ўзбек халқ достончиси таваллудининг 120 йиллиги.

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

(БИБЛИОГРАФИК ШАРХ)

Икки йилдирки, давлатмандлик туйғуси ва мустақиллик кайфияти билан мағрур яшашамиз. Бу табиий, албатта. Чунки Республика ҳаётида янги босқични бошлаб берган фавқуллода муҳим воқеалар содир бўлди: ССР иттифоқи барҳам топди, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг тўлиқ давлат мустақиллигини эълон қилди, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий Қонун қабул қилинди. Республика беқиёс эркинликка эга бўлди.

Ўзбекистон ўнлаб хорижий давлатлар томонидан халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида тан олинди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Халқаро Валюта фондига, бошқа халқаро ташкилотларга қабул қилинди. Республика қонунларининг энг муҳим қондаларидан бири халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган нормалари устиворлигини тан олишдан иборатдир. Собиқ Иттифоқдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди.

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди ва ҳар йили 1-сентябрь — Республика Мустақиллиги куни сифатида байрам қилинади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шунин билдирадики, бундан буён республика ўз мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради. Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларни ҳар томонлама ҳисобга олиб юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди.


«Республикани миллий давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур», — дейилади Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида (Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 78 б.).

«Бозор иқтисодиёти, очик ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак».

Қисқаси, рисолада Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати концепциясининг асосий қондалари баён қилинган. Республика тараққиёти ҳозирги босқич

И. А. КАРИМОВ

Янги уй
қурмай туриб,
эскисини
бузманг



И. А. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЎЗ ИСТИҚЛОЛ
ВА ТАРАҚҚИЁТ
ЙЎЛИ



И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН
КЕЛАЖАГИ БУЮК
ДАВЛАТ



И. А. КАРИМОВ

БУЮК МАҚСАД
ЙЎЛИДАН
ОҒИШМАЙЛИК

чининг ўзига хос хусусиятлари, чинакам мустақил демократик давлат барпо этишнинг принциплари, унинг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларининг асослари таърифлаб берилган. Мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг ўзаги ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш йўллари ва халқнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлашдан иборат бўлиши кўрсатилган. Булар қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. «Ўз йўлимизнинг шарт-шароити ва заминлари».

1. «Ўзбекистон — демократия ва ижтимоий адолат жамияти».

3. «Миллий манфаатлар устиворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат».

4. «Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш — мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи».

5. «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари».

Кенг китобхоналар оmmasига мўлжалланган Президентимизнинг бу рисоласи ижтимоий ҳаётимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётини белгилаб берадики, уни ўрганиш, ҳар бир фуқаро учун зарур. Рисола, айниқса, китобхона ёшларимизнинг мустақил Ўзбекистоннинг мустақил ва фидойи фарзандлари бўлиб шаклланишларида катта аҳамиятга эгадир.

Қуйида кейинги вақтларда республика Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриётида ва рўзнома саҳифаларида чоп этилган асарларнинг қисқача рўйхатини илова қиламиз:

Каримов И. А. «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг». — Т.: Ўзбекистон, 1993. — 109 б.

Каримов И. А. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат». — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 98 б.

Каримов И. А. «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик!» — XII чақириқ Республика Олий Кенгашининг XII сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 6 май («Ўзбекистон овози», 1993 йил 7 май; «Маърифат», 1993 йил 8 май).

Каримов И. А. «Ҳар қандай муҳолиф билан бахшашмоққа тайёрман...» «Ўзбекистон овози», 1993 йил 28 май.

Каримов И. А. «Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати»: Президентнинг Швейцариядаги «Форум фонд» Халқаро Иқтисодий уюшманинг IV сессиясидаги нутқи Ўзбекистон овози», 1993 йил 22 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини барпо этишчи бир қанча қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида, корхоналар тўғрисида, тадбиркорлик тўғрисида, хусусийлашти-

риш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида, банклар ва банк фаолияти тўғрисида, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, чет эл инвестициялари тўғрисида ва бошқа қонунлари кўп укладлилиқ асосларини белгилайди, мулкнинг барча шакллари тенг ҳуқуқчилигини қарор топтиради, мулкдорларнинг ҳуқуқлари ҳимояланишига қатъий қафолат беради.

1992 йил «Ўзбекистон» нашриётида нашр қилинган «Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар» тўпламига Ўзбекистон Республикасининг кейинги вақтларда қабул қилинган ва Республиканинг тўла мустақиллигини амалга оширишга йўналтирилган қонунлар ҳамда фармонлар кирган. Нашр учун Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишчи асосий ҳужжатлар танлаб олинган. Матн бир йўла ўзбек ва рус тилларида босилган.


Ўзбекистон Республикаси ҳаётида рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда 1991 йилда қабул қилинган ва ушбу тўпланда эълон қилинаётган қонунлар матнига зарур таҳририй ўзгаришлар киртилди (Ўзбекистон Рес-

публикаси: қонунлар ва фармонлар. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — 382 б.).

Тўплам кенг китобхоналар оmmasига мўлжалланган.

1992 йил 8 декабрь, XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — Давлатимизнинг Бош Қомуси ҳисобланади. — («Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси») («Халқ таълими». — 1993. — № 2—3. — Б. 3—17; Т.: «Ўзбекистон», 1992. — 46 б.).

Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойн қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қондалари устунигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди.



1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

(Бош 5-бетда).

«Мустақил Ўзбекистоннинг илк Қомуси — Республика Конституцияси, мана бир неча ойдири, амал қила бошлади. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон эркин демократик жамиятни барпо этиш йўлидан боради, деб бутун жаҳон ҳамжамияти олдида баралла айтилган сўзлар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда.

Жаҳондаги турли мамлакатлар нуфузли ҳуқуқшунос олимлари ва мутахассисларининг фикрича, бизнинг Конституциямиз ҳам жаҳон андозалари даражасида тайёрланган. Республика Президенти И. А. Каримов «бошчилигидаги» Конституция комиссияси ва унинг аъзосига жипслашган етакчи ҳуқуқшунос олим ва амалиётчиларнинг бир йилдан кўпроқ вақт давомидаги саъй-ҳаракатлари, умумхалқ муҳокамаси давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар, турли илмий-амалий конференция, симпозиум ва бошқа тадбирларда ишлаб чиқилган конкрет таклифлар устидаги жиддий изланишлар ўз натижасини берди. Шубҳасиз, Олий Кенгаш қабул қилган Республика Қомуси қурилаган демократик жамиятнинг қонуний асосларини яратиб берди.

Конституциянинг энг муҳим аҳамияти шундан иборатки, унинг моддалари инсон ҳақ-ҳуқуқларини улуғлаш, уни ижтимоий, ахлоқий-маънавий ва сиёсий муҳофаза этишга қаратилган. — дейилади С. Саидвалиевнинг «Буюк Бурлиш нуқтаси» мақоласида. (Халқ сўзи, 1993 йил 7 январь).

Бош Қомусимизга амал қилинишига эришишнинг барча имконият ва шартшароитларини яратиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ишлаб бошлади Асосий Қонуннинг қадриқиммати, моҳияти ва табиати ундаги меъёрлар ва тартиб-қоидаларнинг демократия руҳига қай даражада мувофиқлигига, яъни халқчиллигига, Конституциянинг умумбашарий қадриятларга монандлигига, унда инсон ҳуқуқлари нечоғли ҳимоя қилинганлигига қараб баҳоланиши одат тусига кирган.

Конституциядаги демократиянинг қатъий мезонлари асосида мустақамлаб берилган қоидаларни салмоқлаб кўрганда, бизнинг Конституциямиз дунёдаги энг халқчил конституциялардан бири, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Мустақилликка эришган халқ ўз тарихи ва келажакни чуқур билиши керак. Шунинг учун ўқувчи, аввало, ўз миллати тарихи, урф-одатлари ва аъёнларини билиши, ўрганиши ва ҳаётга татбиқ этиши лозим. Бу жаҳода кутубхоначи, ўқитувчи, тарбиячилар ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Қуйида келтирилаган адабиётлар китобхонага ўз-ўзидан англашда катта ёрдам беради, деган умиддамиз:



Абулғозий, «Шажарайи турк». — Т.: «Чўлпон», 1990 й. — 192 б.;

АбулҒози Баҳодирхон, «Шажараи тарокима» (Туркий халқлар тарихи) («Иқтисод ва ҳисобот», 1993 й — № 5, 6.;

К. Ш. Шониёзов «Қанг давлати ва қангилар» (Ўзбек халқининг сиёсий ва этник тарихидан). — Т.: «Фан», 1990 й — 168 б.;

Б. Аҳмедов, «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари» (Қадимги ва ўрта асрлар). — Т.: «Ўқитувчи», 1991 й. — 216 б.;

Т. Жавлиев, «Анъаналар — ҳаёт сабоғи». — Т.: «Ўзбекистон», 1992 й. — 88 б.;

К. Маҳмудов, «Турмуш зийнати». — Т.: «Ўқитувчи», 1991 й. — 208 б.;

У. Қорабоев, «Ўзбекистон байрамлари». — Т.: «Ўқитувчи», 1991 й. — 192 б.;

А. Ҳожимухамедов, «Дўст билан обод ўйинг». — Т.: «Ўқитувчи», 1991 й. — 136 б.;

А. Рашидов, «Миллий анъаналар — тарбия манбаи: Одобнома» («Халқ таълими», 1992 й. — № 1. — Б. 40—42.

Марказий Осиё ва бу ўлка халқлари тарихи оғир, мураккаб бўлган. Унинг ибтидоий жамоа тузумидан октябрь инқилобига босиб ўтган йўли ғанимлар босқинлари, шафқатсиз қонли жанглар, сон-саноксиз сарой тўнтаришлари ва халқ кўзғолонларида ўз аксини топган.

Тарихнинг кўпгина саҳифалари ҳозиргача очилмай келмоқда, уларнинг айримлари эса бир ёқлама, узукюлуқ тарзда, чала ёритилган. «Менинг жонажон тарихим» китобидан кўзланган мақсад ана шу ҳолатга барҳам беришдир. Бунда муаллиф барча босқинларни мукамал ёритиб беришни даъво қилмайди ва шу билан бирга кенг китобхоналар оммаси бу мураккаб ҳамда зиддиятли тарих билан ўз-

лари учун фойдали тарзда қизиқиб танишадилар, деб умид қилади.

Китобнинг республикада таниқли тарихчи муаллифи — Гога Аброрович Ҳидоят сўнгги йилларда тарих фанининг мулки бўлиб қолган кўпгина янги далил ва маълумотлардан фойдаланиб, Марказий Осиё тарихидаги бир қанча даврларнинг янги илмий-назарий талқинини берган. Китобнинг кўп хулосалари устида мунозара қилиш мумкин, улардан баъзилари янги далиллар излаб топишни талаб қилади, лекин нашриёт муаллифнинг тарихий муаммоларни ечишда янги йўллари топиш ҳуқуқини эътироф этади.

Ҳар бир минтақа, ҳар қайси мамлакат ва халқ ўзининг бетакрор тарихига эга. Жаҳон тарихида улардан ҳар бирининг ўз ўрни бор. Лекин улардан ҳар бирининг тарихи объектив қонуниятларга кўра ривожланиб борадики, буни Ўзбекистон тарихи ҳам тасдиқлайди. Биз тавсия этаётган ушбу китобдан китобхон Ўзбекистоннинг қадимги ҳамда яқин тарихига оид (Г. А. Ҳидоят «Менинг жонажон тарихим». — Т.: «Ўқитувчи», 1992 й. — 304 б.) ўзи учун керакли билим ва маълумотларни ўқиб олиши мумкин. Китоб кенг китобхона оммасига мўлжалланган бўлиб, унда ранг-баранг ҳужжатли иловалар келтирилгандир. Ундан дарслик, қўлланма сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Яна, Қомуслар Бош таҳририяти томонидан 1992 йилда чиқарилган Мустақил Ўзбекистон ҳақидаги барча тарихий ва янги даврга оид муҳим сарҳисоб саналар келтирилган, ранг-баранг бе-затилган «Мустақил Ўзбекистон — тарих силсилаларида» номли маълумотнома билан ҳам танишишни тавсия қиламиз.

Ҳозирги кунда Мустақил Ўзбекистонимиз катта йўл бошида шаҳдам қадамлар билан ҳаракат қилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш

поғоналарини ўз бошидан кечираётир. «Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ», деган доно халқимиз. Тирикчилик қийинлашган, одамлар асабийлашган, кимнинг эстагидан тутиб, кимга эргашини билмаётган замонда яшаймиз. Буюмларгина эмас, балки сиёсат, қарору фармонлар ҳам кун сайин ўзгараётир. Фақат Исломининггина ҳақдин, фақат Қуръоннинггина мангу муқаддас китоб эканлиги бирдай турибди.

«Қуръони Карим» (Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Мансур. — Т. «Чўлпон», 1992 й. — 672 б.;

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, «Ҳадис: IV Ал-Ҳомий ас-саҳиҳ». (Ишонарли тўплам. — Т.: «Қомуслар» БТ, 1992 й. — 527 б.;

А. Ҳ. Мақсудий, «Шайрий ҳукмлар тўплами». — Т.: 1990 й. — 32 б.;

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, «Имон: Ислоҳ, Қуръон, одоб-ахлоқ». — Т. «Қамадак», 1991 й. — 160 б.;

Мовароуннаҳр мусулмонларининг мўътабар кишиларидан бири Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Шоаяди тақводор бўлсак» («Маърузалар, мақола ва суҳбатлар тўплами»; — Т. «Чўлпон», 1992 й. — 176 б.) номли китобини ўқиган китобхон диннинг кучига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. У ҳаётга бўлган ишончни кучайтиради ва инсонларни саодатли йўлга етаклайди. Ушбу китобда, муаллифнинг пурҳикмат нутқи ва мақолалари, суҳбатларида дин, шариат аҳкомлари оммабоп қилиб тушунтирилган, кишилар тўғри йўлга даъват этилган. Мана шу маърузалар, мақола ва суҳбатлар китоб ҳолида инсонларга тақдим этилишдан мақсад, холис дуо: «Шоаяди тақводор бўлсак...», деган даъватдир.

1992 йил 9 декабрь куни Мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси қабул қилинди. Шу муносабат билан ўқув юрлари мусиқа сабоғи мазмунида Давлат мадҳиясини ўрганишга доир ме-

тодик тавсиянома мусиқа ўқитувчилари ва раҳбарларига ёрдам сифатида ишлаб чиқилди. («Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси», («Тил ва адабиёт таълими», 1993 й. — № 1; «Саодат», 1993 й. — № 2—3. — Б. 2; «Гулистон» 1993 й. — № 1).

Қабул этилган мазкур мадҳия, Ўзбекистон Халқ артисти, композитор М. Бурқоновнинг бугунгача янграб келган Давлат гимнининг янги вариантдир. Бугунги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли биз эришган мустақиллик ва истиқлолни баралла қуйловчи янги матн — Ўзбекистон халқ шоири А. Ориповнинг шеъри бунга асос бўлади.

Мадҳияни ўрганиш қуйидаги поғоналардан иборат бўлади:

1. Суҳбат; асарни тинглаб, унинг бадий-ғоявий тавсифини аниқлаш;

2. Асарни жумлаларга бўлиб ўрганиш;

3. Мадҳияни ифтихор ва гурур билан бадий ижро этиш.

Мадҳия дарсида ва синфдан ташқари мусиқа тўрақлари (хор, ашула ва рақс дастаси)да ўрганилгач, уни бирлаштирилган катта хор жамоаси билан ижро этиш ижрочиларга ҳам, тингловчиларга ҳам беҳад бадий завқ-шағқ бағишлайди. Мусиқа катта муаллимларига аталган ушбу методик тавсияномани сиз «Маърифат» газетасининг 1993 йил 23 январиди Д. Омонуллаев ва Д. Каримовалар томонидан тузилган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ўрганиш» мақолаларини тўлиқ ўзлаштириб олишингиз мумкин.

Ватаним, жамолнинг кўядаги зуҳро,
Жаҳонда сен ўзинг ягона — танҳо!

Ватан туйғуси кимларни шоир қилмаган дейсиз. Барча буюк назм соҳиблари, машҳур зотлар учун у ҳамisha энг муқаддас мавзу бўлиб келган. Таниқли шоирларнинг шу мавзудаги шеърлари кўп. Мустақиллик учун кураш жараёни ҳақида, албатта, катта асарлар яратилди. Жанговар ва улғу кунлар ширин бир рўё бўлиб қолмаслиги лозим. Ҳусн тўйда, ақл кунда керак, катта насл, бу нон демакдир, у ҳар кун керак. Яхши шеър қўшиқ ҳам керак, бу бебаҳо новоту асалдир... «Гавҳару баҳор бу даркор аср...» деган буюк Шайх Саъдий. Республикамиз овоз ва мустақил, ўз туғи, ўз Конституцияси, ўз тамга-ю, муҳри, ўз мадҳияси, ўз Президентига эга бўлгани билан фахрланиш керак. Шу эзуликлар ҳақида илҳомланиб асар яратмаган ижодкор бўлмаса керак. Қуйида мустақил Ўзбекистон ҳақида қуйланган баъзи шеър ва ғазалларнинг қисқача рўйхати келтирилмоқда. Бундан кутубхоначи оммавий тадбирнинг бадий қисмида кенг фойдаланиши мумкин.

Н. Бердиев, «Ўзбекистон» (Қасида) («Ўзбекистон овози» 1993 йил 21 апрель).

Б. Бойқобилов, «Улус нймони», «Ўзни таниб, ўзимга қайтмоқдаман», «Мустақиллик китоби», «Шарқона, нағма билан», «Биз Темур авлодимиз», (Шеърлар) («Ўзбекистон овози», 1993 йил 21 май).

(Давоми 7-бетда).

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕК ИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

(Давоми. Боши 6-бетда).

О. Матжон, «Шукрона», (Шеър) («Ўзбекистон овози», 1993 йил 10 апрель).
Мирмуҳсин, «Ўзбеки бардошимиз», «Самарқандга таъзим» (Шеърлар) («Ўзбекистон овози», 1993 йил 9 апрель).

А. Орипов, «Сиз қафас ичида гуллар тугансиз...» (Шароф Рашидов хотира-сига) — (Шеър), («Ўзбекистон овози», — 1993 йил 13 апрель).

С. Очил, «Незармиш» (Қўшиқ) («Маърифат», 1993 йил 26 май).

Х. Ризо, «Турон ва инқилоб», «Ўзбекистон» (Шеърлар), («Ўзбекистон овози», 1993 йил 14 май).

Х. Ризо, «Турон тулпорлари» (Шеър), («Ўзбекистон овози», 1993 йил 12 июнь).

С. Сайид, «Хуррият», «Ватанни ўрганиш», (Шеърлар), («Ўзбекистон овози», 1993 йил 15 июнь).

Шукрулло, «Миллий ифтихор», («Ўзбекистон овози», 1993 йил 2 июнь).

О. Ҳакимов, «Саодат эртак эмасдур», «Жаҳон биладир», «Бўлинг мададкор» (Шеърлар), («Ўзбекистон овози», 1993 йил 19 июнь).

Мустақилликни мустақамлашда инсонийлик, онг-

лилик, аҳиллик, ишбилармонлик, ватанпарварлик, дўстлик, қатъийлик ва шунга ўхшаган фазилатлар ҳар бир фуқарода мужассам бўлмоғи лозим. Бундай инсонларни шакллантиришда давлат, жамият, маориф, оила билан бир қаторда кутубхоначилар ҳам фаол иштирок этишлари керак. Кутубхоначилар ўз ишларига ижодий қизиқиш билан ёндашган ҳолда китобхонларга мустақил Ўзбекистон тўғрисидаги билимларни мустақамлашга кўмаклашадиган адабиётларни тарғиб қилишлари зарур. Тарғиботда, аввало, ўтмиш тарихимиздан, бобокалонларимиз: Амир Темур, А. Навоий, Бобур, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, А. Яссавий, Фитрат, Чўлпон, У. Носир, А. Қодирий каби ватанпарвар, адолатпарвар аждодларимиз меросидан кенг баҳраманд бўлган ҳолда ҳозирги истиқлолимизга сабаб бўлган омилларни ёритувчи манбалардан кенг фойдаланиш лозим. («Темурнома», — Т. «Чўлпон», 1990 й. — 352 б.; Э. Тўрақулов, С. Раҳимов «Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида», — Т. «Ўқитувчи», 1992 й. — 80 б.; Ибн Сино, «Зийнат», — Т. «Чўлпон», 1992 й. — 64 б. ва ҳ. к).

Мазкур библиографик шарҳдан кутубхона ходимлари китобхонлар билан ишлашда кенг фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, мазкур библиографик шарҳга ёрдамчи илова тариқасида «Маърифат» рўзмонасида chop этилган қуйидаги услубий тавсиялардан ҳам фойдаланса бўлади:

«Буюк мақсад йўлидав оғишмайлик!» — Ўрта мактабларда, педагогика институтлари ҳамда билим юртларида, ҳунар-техника таълими даргоҳлари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида, мактабдан ташқари муассасаларда олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишларда Республика Олий Кенгазининг XII сессияси материалларини ўрганиш учун методик тавсиялар («Сессия материалларини ўрганиш») («Маърифат», 1993 йил 19 май).

«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг шу номдаги рисоласини мактабларда, ҳунар-техника, педагогика билим юртлари, педагогика институтларида, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида, мактабдан ташқари муассасаларда, ўқувчилар оромгоҳларида ўрганиш учун методик маслаҳатлар, («Маърифат», 1993 йил 5 июнь).

КИТОБ КЎРГАЗМАЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ

(1993-94 ўқув йилининг бошланишига)

- «Истиқлол машъали, тинчлик посбони...».
- «Ўзбекистон — Ватаним менинг».
- «Миллий мактабга пухта замин».
- «Болалар — Мустақил Ўзбекистон келажаги».
- «Таълим самарадорлиги — замон талаби».
- «1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кун».
- «Халқ таълими — ютуқ ва муаммолар».
- «Халқ таълими янгилашиш йўлида».
- «Халқ таълими: кеча, бугун, эртага».
- «Меҳнат мактаби — ҳаёт мактаби».
- «Оламни маърифат асрайди».
- «Мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик...».
- «Ўзбекистон миллий уйғониш даврида».
- «Гулла, яшна, ҳур Ўзбекистон».
- «Ассалом, жонажон мактаб».

«СЎЗ ОРҚАЛИ ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ»

(Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг (1918—1988) — 75 йиллигига бағишланган библиографик тавсия кўрсаткичи).

«Раҳматжон Инсон меҳри куйчисидир. Унинг адабиётини ўқиб ўрни ҳам шу билан белгиланади. Унинг деярли барча асарларида шу меҳр туйғуси гоҳ у йўл билан, гоҳ бу йўл билан, баъзан у шаклда, баъзан бу шаклда тараннум қилингандир...».

В. Зоҳидов. «Улкан меҳр ва кураш куйчиса», (Р. Файзий. Асарлар. — Т.; 1978. — Т. 1. — С. 6).

ЯНГИ КИТОБЛАР

А. Ҳайитметов. НАВОЙИХОНЛИК СУҲБАТЛАРИ

Китобда шеърят мулкининг султони, ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг янги қирралари, адабий маҳорати ва эстетик қарашлари билан яқиндан танишасиз. Бунда Навоий адабий ва илмий меросининг қатор назарий жиҳатлари бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил этилади. Китобнинг муҳим фазилатларидан яна бири шуки, унда улғу шоир ижодининг халқпарварлик, инсонпарварлик ва маърифатпарварлик моҳияти, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ жиҳатлари янада чуқурроқ таҳлил этилади.

Китоб ўрта мактаб, лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда адабиёт билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

М. Маҳкамёв, Г. Умарова. МАКТАБДА БИОЛОГИЯ КЕЧАЛАРИ.

Мазкур қўлланмада биология кечалари ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш услуби баён этилган.

Қўлланма ўрта мактабларнинг биология ўқитувчилари учун мўлжалланган.

П. Юсупова.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКАСИ.

Бу қўлланмада мактабгача тарбия педагогикасининг асосий масалалари, мактабгача тарбия ёшдаги болаларни ҳар томонлама тарбиялаш вазифалари ва мазмуни, бола шахсининг ривожланиши тўғрисидаги педагогик тушунчалар ва асосий қонуниятлар очиб берилган. Китобда кичкинтой-

ларни жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат, нафосат тарбияси вазифалари ва мазмуни атрофида ёритилган.

Қўлланма педагогика институтларининг мактабгача тарбия педагогикаси куллийети талабаларига, боғча мудирлари ва тарбиячиларига мўлжалланган.

А. Исроқлов. ФИЗИКА ДАН ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ВАЗИФАЛАР.

Қўлланмада элементар физиканинг барча асосий бўлимлари учун қисқа вақтга мўлжалланган экспериментал вазифалар тавсифлари берилган. Экспериментал вазифалар уйдаги маданий-مائий, жиҳоз ва қурималардан, материаллардан, буюмлардан, қўлда тайёрланиши мумкин бўлган содда қурималардан фойдаланилган ҳолда бажарилади.

Қўлланма олий ўқув юртларининг тайёрлов бўлимлари тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, ундан ўртамактаб ва ўрта ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари, ўқитувчилари, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, олий ўқув юртларига кириш учун мустақил тайёрланаётганлар, элементар физика ва физик эксперимент асослари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

М. Содиқова. ҚИСҚАЧА ЎЗБЕКЧА-РУСЧА МАҚОЛ-МАТАЛЛАР ЛУҒАТИ.

Мазкур икки тиллик луғатда ўзбекча мақол-маталларнинг рус тилига таржимаси берилди, имконият бор ўринларда уларнинг русча муқобиллари ёки ўхшаш эквив-

лентлари келтирилди. Баъзан (таржима ғализ чиқмайдиган ўринларда) мақол-маталларнинг сўзма-сўз таржималари ҳам (қавс ичида) бериб берилди. Бундай тартиб мақол-маталлари, уларнинг чуқур ички мазмунини, рамзий ифодасини тушунишга ёрдам беради.

Луғатнинг қиммати яна шундаки, у икки халқнинг тил бойлигини намойиш этади ва халқларнинг урф-одатлари, феъл-атворини, руҳиятини, ўтмиш тарихини ва бошқа хусусиятларини яқиндан ўрганишга кўмаклашади.

Мазкур луғат ўзбек ва рус тилини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради, ўзбек лексикографиясидаги кемтик жойни тўлдирди.

Ўз мундарижасига 1000 га яқин мақол-маталларни қамраб олган бу хилдаги «Қисқача ўзбекча-русча мақол-маталлар луғати» республикамизда илк бор нашр этиляпти.

Луғат асосан мактаб ўқувчиларига, ўқитувчиларга, таржимонларга ва, умуман, тил ўрганувчиларга мўлжалланган.

К. Назаров, Р. Сайфуллаева, М. Убайдуллаева. ЎЗБЕК ТИЛИ.

Мазкур дарслик ўрта махсус ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган бўлиб, 1986 йилда нашр этилган дастур асосида тузилди.

Дастурда ўзбек тили материалларини ўрганиш учун 30 соат, ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш учун 20 соат ажра-

тилган. Шу бўлинишга асосланган ҳолда ўзбек тили материаллари ихчам ва бирмунча қисқартириб берилган. Аммо талаффуз, имло ва тиниш белгилари билан боғлиқ масалалар нисбатан кенгрок ёритилган: грамматик ҳодисалар имло қоидалари асосида шарҳланади ва мустақамланади. Демак, шу фаннинг амалий томонига кўпроқ эътибор берилган. Энг муҳими, ўқувчиларга тўғри, хатосиз ёзиш, гап туза билиш, мустақил фикр баён қила олиш, айрим товушларнинг имло ва талаффуз қоидаларини билиш, тиниш белгиларини ўз ўрнига қўя билиш, иш қозғалари юритиш малакасини ҳосил қилиш кабиларга алоҳида аҳамият берилган.

М. МУРОТОВА.



Ўқувчиларни қизиқтирмоқда

Фарғона вилояти Езёвон тумани халқ таълими бўлимига қарашли Марказлашган мактаб кутубхоналар системаси ходимлари ёш авлодни умуминсоний қадриятлар, ота-боболаримиз урф-одатлари, анъаналари асосида тарбиялашда бир қанча ибратли ишларни амалда оширишмоқда. Кутубхона фонди асосан мактаб ва мактабгача ёшдаги болалар учун, ўқув дастурларига киритилган бадий, илмий-оммабоп асарлардан иборатдир.

Ўтган ўқув йили давомида марказий кутубхона ва унинг мактаблардаги тармоқларида турли мавзуларда эрталиклар, Аҳмад Ясавий, Мирзо, Улуғбек, Гафур Ғулом каби шоир, олимларга бағишлаб тематик кечалар, адабий ўйин ва викториналар, ифодали ўқиш кўрик-конкурслари каби оммавий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинди.

Бу ишларда кутубхона ходимларидан Кимёхон Сотволдиева, Мукаррамхон Қурбонова, Юлдуз Хожихонова, Маърифат Абдурахмонова, Омина Каримова, Муқаддас Узоқовалар жонбозлик кўрсатишяпти.

Айни пайтда ҳам улар ўқувчиларнинг ёзги таълини мазмунли, мароқли ўтказишлари учун «Ором», «Гулшан» оромгоҳларида кўчма кутубхоналарни ташкил этишни яхши йўлга қўйганлар.

А. ШАЙХУДДИНОВ.



ДОНОЛАР БИСОТИДАН

○ Китоб энг олмас ва эътистон умр йўлларида инсонга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чироқдир.

○ Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир.

○ Китоблар мангулик хусусиятига эга. Улар инсон фаолиятининг энг умрбоқий меваларидир.

○ Китоблар ақл фарзандларидир. Китоблар хазинаси, умуман олганда, ҳаётнинг ўзига хос бадий кўзгусидир.

○ Яхши китоб нақ байрамнинг ўзи.

Муаллимда бисот йўқ, — китобдан бўлак,

Қалбида лаҳча чўз, — офтобдан бўлак.

Шогирдлар камолни кўрса ўнгида,

Бошқаси керакмас, — савобдан бўлак.

Калит бўлиб келдинг, ўйинчоқ эмас,

Бир-бир хазиналар оча олсанг бас.

○ Яхши китоб — ҳаётнинг беқилс ганжу хазиналаридан биридир.

○ Китобсиз уй — жонсиз танадай гап.

○ Китоб — инсон кўз ўнгида номаълум фалакларини очади.

○ Ақлни чархлаш учун ўқини бадайтарибидек гап.

○ Ўқини тафаккур ва ақлий камолот манбаларидан биридир.

○ Ўқини — энг яхши таълим.

○ Буюк алломанинг фикрига эргашин энг қизиқарли илмдир.

○ Китоблар кексалликда энг яхши дўст, айни пайтда ёшликнинг энг азиз раҳнамосидир.

○ Нодонлар даврасида ўтиргандан кўра, китобдан таскин тошган афзал.

МУБОРАК ҲАДИСЛАР

Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир.

Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар.

Ҳикматли сўз мўмин киши-

нинг йўқотган нарсасидир. Уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир.

Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади.

Бир соатгина илм ўрганиш

бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой гутилган рўзадан афзалдир.


Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат ҳар бир мўминга фарздир.

Илм ибодатдан афзалдир, тақво динни тутиб турувчи (устун)дир.

«ФАН ОЛАМИДА» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

1. «Ўтган кунлар» асари бош қаҳрамони. 2. Деҳқоннинг иш қуроли. 3. Фарғона водийсидаги вилоят. 4. Узбек классик шоираси. 5. Океан. 6. Иил ойларидан бири. 7. Уй паррадаси. 8. Фойдали ичимлик. 9. Ҳиндистон бадий фильми қаҳрамони. 10. Табиий газ. 11. Адабий ўлчов. 12. Қазилма бойлик. 13. Арифметик амал. 14. Ийлига икки марта экиладиган резавор. 15. Қимматбаҳо тош. 16. Кимёвий элемент. 17. Қорақалпоғистон жумҳуриятидаги шаҳар. 18. Ёзнинг энг иссиқ мавсуми. 19. Бутадошларга мансуб дарахт. 20. Зардўзлик санъати. 21. Дунёдаги қитъалардан бири. 22. Заҳарли ҳашарот. 23. Грек ҳарфи. 24. Вақт ўлчови. 25. Металл. 26. Алгебраик амал белгиси. 27. Балиқ тури. 28. Умуммарказли фигура. 29. Ўзбекистон радиосининг ёшлар учун дастури. 30. Араб ёзуви қўлланмаси.

Тузувчи: Т. ҒАНИЕВ.



(Ушбу сон материаллари Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика илмий-педагогика кутубхонаси ходимлари томонидан тайёрланди).

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ОЛИИ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ (ХАММУАССИС), ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ, МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ЖАМИЯТИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
Тошкент, 700083,
МАТВУОТЧИЛАР
КҮЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000040. Буюртма Г-133. 10000 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табақ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 20.00. 1993 йил.
Босишга топширилди 20.00.